

Беморларнинг ҳолидан хабар олиш | Йигирма иккинчи ҳақ



10:29 / 18.09.2025 1044

Инсонлар яратилиш тақозосига кўра жамоавий ҳаётда яшайдилар. Ҳаётнинг қувончли ва ташвишли кунларида елкама-елка турадилар. Улар яхши кунларда бир-бирларини қутлаб, нохуш ҳолатларда ҳамдардлик билдирадилар. Ана шулардан бири бирор-бир касаллик етиш ҳолатидир. Диндош биродарининг бетоб бўлганидан хабар топган ҳар қандай мусулмон дарҳол биродарини бориб кўришга, унинг кўнглини чоғлашга ошиқади. Бироқ бунда ҳам бир қатор тартиб ва одобларга риоя қилмоқ лозим.

Зиёрат одоби. Беморнинг олдида кўп ўтириб қолмаслик, берилиб кетиб кўп гапириб юбормаслик ва беморнинг соғайиб кетишини Аллоҳдан дуо қилиб сўраш.

Бемор учун муносиб бўлгани эса, ушбу мусибат учун муносиб сабр қилиш, Аллоҳдан бошқасига дардини айтиб нолимаслик, аксинча, “Ё Раббим! Барча нарса Сендан келади. Бу (дардим)ни ҳам Сендан бошқа яхши қиладиган йўқ. Мени халос қил, эй ҳақиқий нажоткор бўлган улуғ Аллоҳ!” – дея Аллоҳга дуо қилишдир.

Абдулҳамид Зайриевнинг «**Мусулмоннинг ҳақ ва вазифалари**»
китобидан

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023-йил 16-январдаги 03-07/184-сонли хулоса хати асосида тайёрланди.